

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2016 йил 12 июль
8/5-566/4-сон

“O’zbekiston respublika valyuta birjasi”
aksiyadorlik jamiyati
(7)

“O’zbekiston respublika valyuta birjasi” aksiyadorlik jamiyatining
ustaviga kiritilgan ўzgartiriш va қўшимчалар 2016 йил 12 июлда давлат
рўйхатидан ўтказилди.


Илова: 6 варақда.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи




М.Махмудов

Ижрочи: М.Муллажонов
Тел: 233-75-97







"ТАСДИҚЛАНГАН"
2016 йил 29 июндаги
"ЎЗРВБ" АЖ акциядорлари
йиллик умумий йиғилишида
(73-сонли баён)

"ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKA VALYOTA BIRJASII" АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР


Т/р	Амалдаги тахрирда	Янги тахрирда	Изоҳ
1.	<p>1-банд: "1. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Биржа) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуллар, Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади."</p>	<p>1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: "1. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Биржа) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуллар, Фуқаролик кодекси, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади."</p>	<p>Тахририй тузатиш киритилмоқда.</p>
2.	<p>7-банднинг 2,5 ва 11- кичик бандлари: "7. Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: 2) давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва муомалада бўлишига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ давлат қимматли қоғозлари бўйича савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича ҳисоб-китоб-клиринг ҳамда депозитар операцияларни амалга ошириш; 5) биржа савдолари иштирокчилари учун</p>	<p>7-банднинг 2,5 ва 11- кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин: "7. Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: 2) давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва муомалада бўлишига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ давлат қимматли қоғозлари бўйича биржа савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, давлат қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлашни амалга ошириш, шунингдек тузилган битимлар бўйича клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш; 5) биржа савдолари иштирокчилари учун миллий</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат қиска муддатли облигацияларини чиқариш тўғрисида"ги 119-сонли Қарорига асосан ишлаб чиқилган, 1998 йил 9 ноябрда 524-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси давлат қиска муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари"нинг 9-бандига, 1998 йил 30 ноябрда Адлия вазирлигида 552-сон билан рўйхатга олинган "Давлат қиска муддатли облигациялари чиқарилишининг</p>
	<p>миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатишни ташкиллаштириш; 11) биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек ҳисоб-китоб-клиринг ва депозитар опрецияларни амалга ошириш учун дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;"</p>	<p>ва хорижий валюталарда тузилган битимлар бўйича клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш; 11) биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, савдоларда тузилган битимлар бўйича клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш, давлат қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлашни амалга ошириш учун дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;"</p>	<p>муомалада бўлиши ва хизмат кўрсатилиши тўғрисида"ги Низомнинг 1-банди "Савдо тизими" тушунчасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 16 майда 1140-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисида низом"нинг 17-бандига мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда.</p>
3.	<p>18-банд: "18. Биржа: биржа савдоларини ташкил этиши, биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нарҳини белгилашни) амалга ошириши; биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши; тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши; биржа аъзоларининг ўзаро мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банкда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши; биржа ва биржа аъзолари пул маблагларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши; мунтазам равишда (хафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкаларини (нарҳларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши шарт;</p>	<p>18-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: "18. Биржа: биржа савдоларини ташкил этиши, биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нарҳини белгилашни) амалга ошириши; биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши; тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши; биржа аъзоларининг ўзаро мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банкда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши; биржа ва биржа аъзолари пул маблагларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши; мунтазам равишда (хафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкаларини (нарҳларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши; бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг</p>	<p>Корпоратив бошқарув кодексининг</p>

Тўлдирилмоқда.	Биржанинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан тахлил ўтказиши;	15-банди 5-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
Тўлдирилмоқда.	барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, irqи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлаши керак.	Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 13-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
Тўлдирилмоқда.	<p>Биржа ўз фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида:</p> <p>ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;</p> <p>ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Биржанинг расмий веб-сайти ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда эълон қилинишини таъминлайди;</p> <p>Акциядорларнинг умумий йиғилишида Ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошкор этади;</p> <p>Биржанинг расмий веб-сайтида Ижроия органи ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фонддан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;</p> <p>тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Биржа дивиденд сўсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Биржани ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қилади;</p> <p>акциядорлар талабига кўра имкон қадар қисқа муддат ичида акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сир бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.</p> <p>Биржанинг зиммасида қонун ҳужжатларига</p>	<p>Корпоратив бошқарув кодексининг 12-бандига асосан тўлдирилмоқда*</p> 

мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.”	мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.”	
<p>20-банд:</p> <p>“20. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.”</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p> <p>4.</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p>	<p>20-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:</p> <p>“20. Биржанинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p> <p>Қўшимча акциялар фақат Биржа уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Биржа томонидан жойлаштирилиши мумкин.</p> <p>Биржанинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Биржа уставида кўрсатилган эълон қилинган оддий турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.”</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (18-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартирилларга мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда ва тўлдирилмоқда.</p>
<p>21-банд:</p> <p>“21. Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш ва Биржа уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.”</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p> <p>5.</p>	<p>21-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:</p> <p>“21. Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш ва Биржа уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.</p> <p>Биржанинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.”</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (18-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ тўлдирилмоқда.</p>
<p>22-банд:</p> <p>“22. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини</p> <p>6.</p>	<p>22-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:</p> <p>“22. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра тахририй</p>

	кейинчалик бекор қилган холда Биржа томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.”	кейинчалик бекор қилган холда Биржа томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.”	тузатиш киритилмоқда.
7.	27-банд: <i>Тўлдирилмоқда.</i> 	27-банд куйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин: “Биржанинг бир фойздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзоллигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Биржа акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар Биржа овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фойзига эгаллик қилувчи акциядорлар томонидан Биржанинг молия йили тугаганидан кейин олти ой кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Биржа Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Биржа бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 8-хатбошига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 14-хатбошига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 11-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
8.	30-банд: “30. Биржа акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул воситасида амалга оширилади. Биржа ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказилади.” <i>Тўлдирилмоқда.</i>	30-банд куйидаги тахрирда баён этилсин: “30. Биржа акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул воситасида амалга оширилади. Биржа ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказилади. Биржа томонидан қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига пропорционал (мутаносиб) равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 12-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
9.	59-банд: 59. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. <i>Тўлдирилмоқда.</i>	59-банд куйидаги тахрирда баён этилсин: 59. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорлар умумий йиғилиши раис акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига руҳсат бериш ваколатига эга.	Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди 7-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
10.	60-банд: “60. Биржа акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Вакиллар доимий ёки муайян муддатга тайинланган бўлишлари мумкин.”	60-банд куйидаги тахрирда баён этилсин: “60. Биржа акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган холда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериши ёки видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этиши мумкин. Вакиллар доимий ёки муайян муддатга тайинланган бўлишлари мумкин.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 2-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
11.	62-банд: “62. Акциядорлар умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) ҳар йили ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Биржанинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Биржанинг яккабошчилик асосидаги Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Биржанинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.”	62-банд куйидаги тахрирда баён этилсин: “62. Акциядорлар умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) ҳар йили ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин, одатда, 30 июнга қадар ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Биржанинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Биржанинг яккабошчилик асосидаги Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Биржанинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbirlar тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари	Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди 15-хатбошига асосан тахририй тузатиш киритилмоқда.* Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (58-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ тахририй тузатиш

	Ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.”	киритилмоқда.
71-банд: 71. Биржа акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради: 12) Биржанинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.” 16) Биржанинг бошқарув органлари фаолияти тартибини белгилловчи ҳужжатларни тасдиқлаш; Тўлдирилмоқда.	71-банд: “71. Биржа акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради: 12) Биржанинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Биржани ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш; 16) Биржанинг бошқарув органлари фаолияти тартибини белгилловчи ҳужжатларни ҳамда ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини ва ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини тасдиқлаш; 20) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш; 21) бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Биржа ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш; 22) Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Биржанинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини муҳокама қилиш;	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (59-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. Корпоратив бошқарув кодексининг 15, 16, 20 ва 28-бандларига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 6-бандига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди 4-хатбошига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди 6-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*




20) Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.”	23) хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш; 24) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вақтда бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш); 25) Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди 3-хатбошига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 2-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
81-банд: “81. Кузатув кенгаши Биржа фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва у “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади, унинг таркибига акциядорларнинг вакиллари сайланадилар.” Тўлдирилмоқда.	81-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “81. Кузатув кенгаши Биржа фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва у “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади, унинг таркибига акциядорларнинг вакиллари сайланадилар. Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар ҳам киритилиши мумкин.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди 2-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
88-банд: “88. Биржа Кузатув кенгашининг мажлислари унинг раиси ташаббусига кўра, Биржа Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, Ижроия органининг талабига кўра қақрилади. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг камида етмиш беш фонзи йиғилишда иштирок этиши қарор қабул қилиш учун етарли ҳисобланади. Биржа Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган ҳолда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади.”	88-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “88. Биржа Кузатув кенгашининг мажлислари унинг раиси ташаббусига кўра, Биржа Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, Ижроия органининг ҳамда Биржанинг бир фонздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра қақрилади. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг камида етмиш беш фонзи йиғилишда иштирок этиши қарор қабул қилиш учун етарли ҳисобланади. Биржа Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган ҳолда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 20-банди 7-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*

<p>92-банд "92. Биржа Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Биржа Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин."</p> <p><i>Тўлдирилмоқда.</i></p>	<p>92-банд куйидаги тахрирда баён этилсин: "92. Биржа Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Биржа Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Биржа Кузатув кенгаши мажлиси видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин."</p>	<p>Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди бошқарув 6-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p>
<p>93-банд: "93. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради: 1) Биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;"</p> <p>.....</p> <p>18) Биржанинг устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш масалаларини, шунингдек Биржа уставига устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;</p> <p>.....</p> <p>21) доимий ва муваққат комиссиялар тузиш;</p> <p>.....</p> <p>25) Биржа савдолари қоидаларини ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички</p>	<p>93-банд: "93. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради: 1) Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Биржа фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;</p> <p>.....</p> <p>18) Биржанинг устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш масалаларини, шунингдек Биржа уставига устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш ҳамда Биржанинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;</p> <p>.....</p> <p>21) Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Биржа ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳавий олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари), доимий ва муваққат комиссиялар тузиш;</p> <p>.....</p> <p>25) Биржа савдолари қоидаларини, ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни ва Биржа</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига (75-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан кири-тилган ўзгартиришларга мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига (75-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан кири-тилган ўзгартиришларга мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда.</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди бошқарув 5-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 13-бандига асосан тўлдирилмоқда*</p>


 12.07.16

<p>меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;</p> <p>.....</p> <p>27) биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш"</p> <p><i>Тўлдирилмоқда.</i></p>	<p>фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;</p> <p>.....</p> <p>27) биржа фаолияти устидан ва Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;</p> <p>28) Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш бўйича қарор қабул қилиш;</p> <p>29) Биржада ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;</p> <p>30) Биржанинг йиллик молиявий ҳисоботларини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилиш ишларини мувофиқлаштириш;</p> <p>31) Биржа мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишига рухсат бериш;</p> <p>32) Биржа фаолиятида корпоратив қонуничлик талабларига риоя этилишини назорат қилишга маъсул бўлган ва Кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этиш;</p> <p>33) хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган донрада бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этиш;</p> <p>34) Биржанинг Ижроия органи раҳбари лавозимига танловни ташкиллаштириш, танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг яқини бўйича янги фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий</p>	<p>Корпоратив бошқарув кодексининг 42-бандига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 36-бандига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Акциядорлик жамиятларига Корпоратив бошқарув кодексини тайёрлаш ва жорий этиш бўйича тавсия этиладиган чора-тадбирларга мувофиқ тўлдирилмоқда (1-илова, 3-этап, 3-қисм).</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 31-банди бошқарув 2-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 27-банди бошқарув 5-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди бошқарув 10-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди бошқарув 3-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*</p> <p>Корпоратив бошқарув кодексининг 29-бандига асосан тўлдирилмоқда*</p>
--	---	--

		менеджерларни танлаб олиш жараёнилари баён этилган раҳбар лавозимларга танловлар регламентини тасдиқлаш.”	
17.	99-банд: “99. Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директорни тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.”	99-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: “99. Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директорни тайинлаш, қоида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.”	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (79-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан кири-тилган ўзгаришларга мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда.
18.	100-банд: “100. Биржа Бош директори: ----- Тўлдирилмоқда. Тўлдирилмоқда. 8) Қонун ҳужжатларига мувофиқ Биржа акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.”	100-банд: “100. Биржа Бош директори: ----- 8) Биржа бизнес хатарлари ва Ижроия органи жавобгарлигини суғурталайди; 9) ўз малакасини, шунингдек, ЎзРВБ ходимларининг малакасини бевосита ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш орқали оширишни таъминлайди; 10) Қонун ҳужжатларига мувофиқ Биржа акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.”	Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди 11-хатбошига асосан тўлдирилмоқда* Корпоратив бошқарув кодексининг 25-банди 9-хатбошига асосан тўлдирилмоқда*
19.	109-банд: “109. Биржанинг Ички аудит хизмати Биржанинг Ижроия органи ва таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, Биржа уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши	109-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: “109. Биржанинг Ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, эллик фозидан зиёд улуши ЎзРВБга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширишни, Биржанинг Ижроия органи ва таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, Биржа уставига ва бошқа	Корпоратив бошқарув кодексининг 15-банди 7-хатбошига асосан тахририй тузатиш киритилмоқда.*

	таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Биржани бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Биржанинг Ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Биржанинг Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.”	ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Биржани бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Биржанинг Ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Биржанинг Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.”	
20.	129-банд: “129. Биржанинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.” Тўлдирилмоқда.	129-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: “129. Биржанинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим. Биржа Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камидан икки ҳафта олдин эълон қилади.”	Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига (102-моддасига) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан киритилган ўзгаришларга мувофиқ тахририй тузатиш киритилмоқда.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг раҳбарлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизimini такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187 – сон билан рўйхатга олинган).

Бош директор



Н.Бекмирзаев